

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**206** Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбир-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

лар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/9-сонли қарори (рўйхат рақами 2546, 2013 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 711-модда) билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 19 апрель,  
12/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил  
19 апрелдаги 12/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада  
кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 11-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 22-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банклар қарз олувчилар томонидан кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилинган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга.»

3. 29-банддаги «ёки» деган сўз «шаклда» деган сўз билан алмаштирилсин.